

“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги умумий йиғилишининг
2014 йил 20-июндаги
29-сонли мажлис баённомасига
6-илова

**“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки Тафтиш комиссияси
тўғрисида”ги
Низомга киритилаётган ўзгартиш матни**

1. Низомнинг титул варағидаги “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки” сўзидан “очик” сўзи чиқариб ташлансин.

2. Низом 2-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30-мартдаги ПҚ-1084-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган”.

3. Низом 3-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Тафтиш комиссияси банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган бўлиб, банкда мол-мулкни сақланиши, ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ҳамда активларининг ликвидлилигини текширади”.

4. Низом 4-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тааллуқли бўлган банкнинг бошқа ҳужжатларига ва мазкур Низомга риоя қилган ҳолда амалга оширади”.

5. Низом 5-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“5. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Тафтиш комиссияси аъзолигига ҳар бир номзод бўйича овоз бериш алоҳида ўтказилади. Аниқ шахсни Тафтиш комиссияси таркибига киритиш тўғрисидаги қарор умумий йиғилиш қатнашчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади”.

6. Низом 6-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“6. Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс

банкнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси таркиби уч аъзодан иборат”.

7. Низом 7-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“7.Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида банк Кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас”.

8. Низом 8-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“8.Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади”.

9.Низомнинг 15-банди б) кичик бандидаги “Тафтиш комиссияси режадан ташқари тафтишларни банк оддий акцияларининг камида 10 фоизига эга бўлган акциядорларнинг ёки банк кенгаши аъзолари кўпчилигининг ёзма сўровига биноан ўтказди” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. Низом 17-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“17. Мажлисида комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этиши шарт”.

11. Низом 18-банди қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Тафтиш комиссиясининг хулосаси Тафтиш комиссиясининг мажлиси баёни билан тасдиқланади”.